

Индонезияда 23 мингта Қуръон марказлари фаолият кўрсатмоқда



11:30 / 19.06.2019 2242

Индонезия Қорилар ва Қуръони каримни ёд олувчилар уюшмасининг маълум қилишича, мамлакатда шу кун ҳолатига кўра 23000 та Қуръони каримни таълим берувчи марказ фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Уюшма раҳбари Саййид Оқил ал-Мунавварнинг маълум қилишича, марказлар маҳаллий давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланади ва бошқариб борилади. Шу боисдан ҳам маҳаллий ҳокимият Қуръони каримни таълим бериш ва ўргатиш борасида катта мажбуриятни ўз зиммаларига олишган.

Марказдаги Қуръони карим таълими ҳақида гапирган Саййид Оқил қориларга Қуръондан ташқари фиқҳ ва ҳадис илмлари ҳам мукамал тарзда ўргатилади, деб таъкидлаган. Унинг айтишича, жорий йил Индонезияда

V-Халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилиши режалаштирилган. У раҳбарлик қилаётган уюшма 1988 йилда таъсис этилган бўлиб, илк Қуръон марказларини ташкил этиш ва уларни молиялаштиришда асосий ролни ижро этган. Уюшма раҳбарининг эътирофи айтишича, марказларда етишиб чиқаётган қорилар мамлакатдаги мусулмон жамоасини бирлигини мустаҳкамлаш ва динлараро тотувликни сақлаб қолишда катта роль ўйнамоқда, деб фикр билдирган.